

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди 2025 йил октябрь ойининг 17 куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Л.Қодирқулов, судья ёрдамчиси А.Худойқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Дўстлик туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Босимов, ҳимоячи адвокат С.Низомовларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбланган:

Қ.Қ.Б (Q.Q.B), 1966 йил 16 апрелда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, 2 нафар фарзандлари бор, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, Дўстлик туман электр таъминоти тезкор диспетчерлик гуруҳи диспетчер вазифасида ишлайди, [REDACTED]

[REDACTED], эҳтиёт чораси сифатида “гаров” қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 12 август куни олганга

нисбатан 1-1306-2501/77-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Қ.Қ Дўстлик туман электр таъминоти тезкор диспетчерлик гуруҳи диспетчер вазифасида ишлаб келиб, “Оринбой ота” фермер хўжалигига электр ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш тўғрисидаги 10.01.2025 йилдаги №04/018194-сонли “НАРЯД” маълумотномасини расмийлаштириб, “НАРЯД” маълумотномасида фуқаро С.Шодманов ва электромонтёр Ш.Қаршиевларни имзоларини сохталаштириб қўйиб, муайян ҳуқуқ берадиган “НАРЯД” маълумотномасини қалбакилаштириб, Н.Шодмановга тақдим этган.

Судда судланувчи Қ.Қ айбига қисман иқrorлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни у Электр таъминоти корхоналари тизимида 1997 йилдан бошлаб, навбатчи диспетчер вазифасида эса 2017 йил июль ойидан ишлаб келишлигини, уни хизмат вазифасига, Дўстлик туманида электр энергиясидаги қурилмаларда барча ишларини бажаришни ташкиллаштириш, ходимларга наряд бериш ва бошқалар киришлигини, “Оринбой ота” ФХ раиси Н.Шодманов узоқроқ қариндоши эканлигини, 2024 йил август ойи бошларида Н.Шодманов келиб, ўзи фойдаланиб келаётган “Оринбой ота” фермер хўжалигига электр тармоғига уланиш учун лойиха смета ҳужжатларини “Жиззах НЕТ” АЖдан қилиб беришини



сўраганлигини, у унга ушбу ҳужжатларни тўлови борлигини айтганида, у тўловларини қилишини айтиб, 2.000.000 сўм пул маблағларини берганлигини, у ушбу пуллари эвазига электр энергиядан фойдаланиш ва тармоққа улаш лойиха смета ҳужжалари учун “Жиззах НЕТ” АЖга топшириб, 2.000.000 сўмни лойиха ҳужжатларига тўлов қилганлигини, лойиха смета ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг, лойиха ҳужжатларини фуқаро Н.Шодмановга олиб келиб берганлигини, 2024 йил 22 декабрь куни “Оринбой ота” ФХги ишчиси Н.Шодмонов унга телефон қилиб, электр ҳисоблагич кераклигини, фермер хўжалиги дала майдонига ўрнатмоқчи эканлигини айтганлигини, ундан “электр ҳисоблагич борми” деб сўраганида, унга Жиззах шаҳардан бир-икки жойдан электр ҳисоблагич сўраганлигини, пули етмаганлиги сабабли, олиб келмаганлигини айтганлигини, шу вақтда Н.Шодмонов унга илтимос қилиб электр ҳисоблагич ўрнатиб беришини, унга ҳисоблагич пулини беришини айтганлигини, ўша вақтда ўзи Жиззах шаҳрида бўлгани учун унга электр ҳисоблагич ускунасини ўз ҳисобидан сотиб олиб беришга рози бўлиб, Жиззах шаҳар “Ивановский бозори”дан 3.200.000 сўмга “КАИФА” русумли электр ҳисоблаш ускунасини сотиб олиб келганлигини, эртаси куни “Оринбой ота” фермер хўжалиги ишчиси Н.Шодмонов ишхонасига келиб, унга электр ҳисоблагич учун 2.000.000 сўм бериб, электр ҳисоблагични олиб кетганлигини, шу вақтида Н.Шодманов ундан 1.200.000 сўм қаз бўлиб қолганлигини ва у қарзини 10 кунда беришини айтганлигини, лекин ҳозирга қадар бермаганлигини, 2025 йил 10 январь куни ишхонасига Н.Шодмонов келиб, электр ҳисоблагич ускунасини ўрнатганлигини, шартнома қилиш учун ўрнатиш ва ечиб олиш маълумотномасини тўлдириш кераклигини айтганлигини, у “Жиззах НЕТ” АЖ Энергосавдо филиали Дўстлик туман бўлими АСКУЕ мантёри А.Ҳолжигитовга қўнғироқ қилиб “наряд” маълумотномаси ёзиб беришини сўраганида, у ишхонада эмаслигини, “наряд” маълумотномани хонасидан олиб расмийлаштириб бериши мумкинлигини айтганлигини, шунда у ўрнатиш ва ечиб олиш №04/018194-рақамли “Наряд” маълумотномасини телефонда бўлган электр ҳисоблагич ускунаси расмига қараб, электромантёр Ш.Қаршиевни номидан ёзиб, унинг ўрнига имзо қўйиб берганлигини, ушбу №04/018194 рақамли “Наряд” маълумотномасини ярмини А.Ҳолжигитов ва қолган ярмини Н.Шодмановга берганлигини, кейин электромантёри Ў.Салмоновга “Оринбой ота” фермер хўжалиги трансформатор пунктнинг кучланиш остида бўлмаган таянч устинига улаб беришини айтганлигини, Ў.Салмонов уни кўрсатмаси билан трансформаторни улаб берганлигини, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 10 январь куни “Оринбой ота” ФХга электр ҳисоблагични ўрнатиш ва ечиб олиш бўйича №04/018194-рақамли маълумотномадаги барча имзоларни ўзи қўйганлигини, С.Шодманов ва электромонтёр Ш.Қаршиевларни хабарсиз имзоларини ўхшатиб қўйганлигини, лекин Н.Шодмоновдан 6.000.000 сўм пулларни алдаб маганлигини, чунки Н.Шодмоновнинг ўзи илтимос қилиб, лойиха



хужжат ва электр ҳисоблагич ускунаси тўловлари учун 4.000.000 сўм берганлигини, шунингдек, “Оринбой Ота” фермер хўжалигини электр тармоғига улаб бериш эвазига моддий манфаатдор бўлмаганлигини, чунки С.Шодмонов куёви эканлигини, бу ҳолатлардан электр тамилот корхонаси раҳбари ва бошқа ходимларнинг хабари бўлмаганлигини, содир қилган ҳаракатларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига иқрорлигини, оилавий шароитини, нафақа ёшида эканлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд судланувчи Қ.Қ айбига қисман иқрорлик билдирсада, уларнинг айби қуйида келтирилган далиллар билан, жумладан:

Жабрланувчи С.Шодмонов судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у Дўстлик тумани Бунёдкор маҳалласида жойлашган “Оринбой ота” фермер хўжалигини 2023 йил февраль ойида ташкил этганлигини, фермер хўжалик ер майдони 33 гектарни ташкил этиб, пахта ва ғалла экинларини етиштириш учун мўлжалланганлигини, 2025 йил январь ойининг бошларида фермер хўжалик дала майдонига оқар сув келиш муоммо бўлганлиги сабабли электр ҳисоблаш ускунаси ўрнатиш мақсадида катта кучланишга эга электр энергиясини узатиб берувчи трансформатор ўрнатганлигини, дала майдонини суғориш мақсадида сув насосларига электр ҳисоблаш ускунаси ўрнатиш учун укаси Н.Шодманов “Худудий электр тармоқлари” АЖ Дўстлик туман бўлими ходими Қ.Қга учрашганлигини, ўзи фермер хўжалик раҳбари бўлса-да, фермер хўжалик ишларини укаси Н.Шодмонов юритганлигини, у электр ҳисоблаш ускунасини “Ўринбой ота” фермер хўжалик дала майдонига 10.01.2025 йил кун ўрнатганлигини укаси Н.Шодмоновдан билганлигини, лекин қандай тартибда ўрнатилганини билмаслигини, 2025 йил 21 февраль куни “Энергосавдо” филиали Дўстлик туман бўлими ходимлари дала майдонидаги трансформаторни кўздан кечириб, фермер хўжалик “Энергосавдо” филиали Дўстлик туман бўлими билан шатномаси тузмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний электр энергиясидан фойдаланиб келаётганлиги аниқланиб, электр ҳисоблаш ускунаси “ХЭТ” биллинг дастурига киритилмаганлиги ҳолати бўйича НҲ №0821502257082-сонли далолатнома расмийлаштирилгани, далолатномага асосан “Энергосавдо” филиали Дўстлик туман бўлимидаги қайта ҳисоб-китоб комиссияси аъзолари иштирокида ўрганилиб, “Оринбой Ота” фермер хўжалигида ўрнатилган ЭХУ 10.01.2025 йилда №04/018194-сонли наряд асосида электр ҳисоблаш ускунаси ўрнатилганлиги учун электр ҳисоблаш ускунаси 4844 кВт.с кўрсаткичи ва 40 кВА трансформатор пунктининг икки ойлик салдо йўқотиши 642,6 кВт.с Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли Қарорининг 133-банди 3-кичик бандига асосан ҳисобланганлигини, унга тақдим қилинган 04/018194-сонли наряд маълумотномаси тузилганлигидан хабари йўқлигини ва ундаги имзо унга тегишли эмаслигини, фермер хўжалигига карашли трансформатор пунктитага МА309U русумли, №023248007154



завод рақамли ЭХУ ўрнатилганлиги ва ЭТК Дўстлик туман бўлими ходимлари далолатномада расмийлаштирганидан хабари борлигини ва тузилган далолатнома билан танишганлигини, ҳозирда судланувчи Қ.Қга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви;

Гувоҳ Н.Шодмонов судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у “Оринбой Ота” фермер хўжалигида иш бошқарувчи вазифасида ишлашлигини, фермер хўжалигига 02.02.2025 йилда гувоҳнома олинганлиги, умумий ер майдони 33 гектарни ташкил қилишлигини, фермер хўжаликка 19.08.2024 йилда электр тармоғига уланиш учун техник шарт олинганлигини, 10.01.2025 йилда электр корхонасидаги таниши Қ.Қга илтимос қилиб, фермер хўжалигига электр тармоғига уланиш учун лойиха смета ҳужжатларини “Жиззах НЕТ” АЖдан қилиб беришни сўраганлигини, у ҳужжатларни тўлови борлигини айтганида, тўловлар учун 2.000.000 сўм берганлигини, Қ.Қ унга электр энергиядан фойдаланиш ва тармоққа улаш лойиха смета ҳужжаларини тайёрлатиб берганлигини, 2024 йил 22 декабрь куни Қ.Қга телефон қилиб, электр ҳисоблагич кераклигини, фермер хўжалигига ўрнатмоқчи эканлигини айтиб, ундан “электр ҳисоблагич борми” деб сўраганлигини, Қ.Қ Жиззах шаҳрида эканлигини айтганлигини, шу вақтда унга илтимос қилиб, электр ҳисоблагич олиб келишини, пулини беришни айтганлигини, эртаси куни Қ.Қ электр ҳисоблагич ускунаси олиб келганлигини айтганлиги учун, уни ишхонасига бориб, унга электр ҳисоблагич учун 2.000.000 сўм бериб, олиб кетганлигини, шу вақтида Қ.Қ унга электр ҳисоблагич ускунасини 3.200.000 сўмга сотиб олганини айтганлигини, у қариндоши бўлган учун қолган 1.200.000 сўм қарз бўлиб, кейинчалик қилиб беришни айтганлигини, лекин ҳозирга қадар бераолмаганлигини, ҳақиқатдан Қ.Қга жами 4.000.000 сўм берганлигини, терговда нима сабабдан 6.000.000 сўм деб кўрсатганини изохлайолмаслигини, Қ.Қ уни илтимосига кўра “Оринбой Ота” фермер хўжалигига ўрнатилган тока трансформаторларни ва ЭХУни ўрнатиб бериш юзасидан ҳеч қаерга мурожаат қилмаганлигини, унга тақдим қилинган 04/018194-сонли нарядни Қ.Қ берганлигини, лекин ундаги имзоларни ким қўйганлигини билмаслигини, Қ.Қ электр ҳисоблаш ускунасини “ХЭТ” биллинг дастурига киритиб, барча шартнома ҳужжатларини расмийлаштириб беришни айтганлигини, шу сабабли ҳужжатлар тўғри деб билганлигини, трансформатор пунктига МАЗ09У русумли, №023248007154 завод рақамли ЭХУ ўрнатилганлиги ва ЭТК Дўстлик туман бўлими ходимлари далолатномада расмийлаштирганидан хабари борлигини ва далолатнома билан танишганлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ Ш.Қаршиев судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2011 йилдан Дўстлик ТЭТКда навбатчи электромантёр вазифасида ишлашлигини, унинг хизмат вазифаларига, туман ҳудудида ёнғин сўқиб олиш бўлган авария ҳолатларини жойига чиқиб бартараф қилиш,



диспетчерга келиб тушган мурожаатларни ва ҳолатларни жойига бориб ўрганиб келиш ва бошқалар киришлигини, 2025 йил 10 январь куни Дўстлик тумани Электр таъминоти корхонасида навбатчиликда бўлганлигини, лекин шу куни ёки бошқа кунлари Дўстлик тумани Бунёдкор МФЙ ҳудудида жойлашган “Оринбой ота” фермер хўжалигига бормаганлигини, 2025 йил 10 январь куни №04/018194 рақамли маълумотномага ҳам имзо қўймаганлигини, ушбу ҳужжатни расмийлаштириш жараёнларида иштирок этмаганлигини, бу ҳақида тумани прокуратурасига борган вақтида, ҳодимлардан эшитганлигини, “Наряд” маълумотномасини тўлдириб, ҳужжатлар расмийлаштириб бериш Қ.Қни хизмат вазифасига кирмаслигини, ушбу ҳужжатни расмийлаштириш “Энергосавдо”да ишловчи А.Холжигитовни вазифаси ҳисобланишлигини, у Қ.Қ “Оринбой ота” фермер хўжалигининг “Наряд” ҳужжатларини расмийлаштириб берганидан хабари йўқлигини, “Оринбой ота” фермер хўжалиги номига расмийлаштирилган “Наряд” маълумотномасидаги уни номидан бажарилган имзолар унга тегишли эмаслигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ Ў.Сарманов судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у 2018 йилдан Дўстлик ТЭТҚда навбатчи электромантёр вазифасида ишлашлигини, уни хизмат вазифаларига, туман ҳудудида содир бўлган авария ҳолатларини жойига чиқиб бартараф қилиш, диспетчерга келиб тушган мурожаатларни ва ҳолатларни жойига бориб ўрганиб келиш ва бошқалар киришлигини, 2025 йил январь ойида ишхонада ўтирганида, диспетчер бўлиб ишловчи Қ.Қнинг хонасига кирганида, у унга қоғозга ёзилган телефон рақам бериб, ушбу рақамга телефон қилиб, у айтган жойига бориб, электр симини тармоққа улаб беришини айтганлигини, у Қ.Қ айтган одамга телефон қилиб, ҳайдовчи билан бирга Бунёдкор МФЙ ҳудудида жойлашган “Оринбой ота” фермер хўжалигига борганлигини, у ерда уни Н.Шодмонов кутиб олиб, улаш керак бўлган симни кўрсатганлигини, у ерга борганида, 1 дона трансформатор бўлиб, ҳамма нарса тармоққа улашга тайёр ҳолатда турганлигини, у столбага чиқиб, симни тармоққа улаб, ортига қайтганлигини, у ўз хизмат вазифасини бажарганлиги учун улардан ҳеч қандай ҳақ олмаганлигини, уни Қ.Қ “Оринбой ота” фермер хўжалигига “Наряд” ҳужжатларини расмийлаштириб берганидан хабари йўқлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Шунингдек, судланувчи Қ.Қнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, дастлабки терговдаги кўрсатувлари, бирламчи тушунтириш хатлари, сўроқ, нарсани кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, судга оид ҳатшунослик экспертизаси ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Суд судланувчи Қ.Қнинг жиноий ҳаракатига юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



228-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Аммо, судланувчи Қ.Қни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди билан нотўғри айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, шунингдек 82-моддасида ишни айблов ҳулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Шу билан бирга 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Дастлабки тергов органи Қ.Қни хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жиноятларини содир этган деб айблаш учун содир бўлган воқеаларни бир томонлама, нотўғри талқин қилиш ҳамда амалда содир бўлмаган воқеаларни содир этилган деб кўрсатиш йўли билан эришганлиги кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарори 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга оқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан



баҳоланиши лозимлиги, далилларни баҳолаш жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилиши, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши, судланувчининг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослангандирилган бўлиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, 5-бандида ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб, шунингдек судланувчи Қ.Қ, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” банди хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жиноятларини содир қилганлиги ўз исботини топмаган ҳамда айбловни асоссиз деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига кўра, Фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд



бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёхуд қонуний асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва ҳ.к.) тааллуқли бўлиши мумкин.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усуллари қўллаш ва ҳ.к. киради.” деб тушунтириш берилган.

Судланувчи Қ.Қ судда берган кўрсатувида, ўзи Дўстлик туман электр таъминоти тезкор диспетчерлик гуруҳи диспетчер вазифасида ишлашлигини, фуқаро Н.Шодмоновни илтимосига асосан ўзи берган 2.000.000 сўм эвазига фермер хўжалигига электр тармоғига уланиш учун лойиха смета ҳужжатларини “Жиззах НЕТ” АЖдан расмийлаштириш учун тўлов қилганлиги, Н.Шодмоновдан қолган 2.000.000 сўмни ўз ҳисобидан Жиззах шаҳридан 3.200.000 сўмга олиб келган электр ҳисоблагич ускунаси учун олганлигини, ҳозирда Н.Шодмонов ундан 1.200.000 сўм қарз эканлигини, айбловда кўрсатилган 6.000.000 сўм пулни олмаганлигини, С.Шодмонов ва Н.Шодмоновни алдаш нияти бўлмаганлигини баён қилди.

Жиноят иши бўйича сўроқ қилинган гувоҳ Н.Шодмонов судда, Қ.Қга ўзи илтимос қилиб, фермер хўжалигига электр тармоғига уланиш учун лойиха смета ҳужжатларини “Жиззах НЕТ” АЖдан расмийлаштириш учун 2.000.000 сўм берганлигини, Қ.Қ лойиха ҳужжатлари учун тўлов қилиб, тайёрлаб олиб келиб берганлигини, Қ.Қ электр ҳисоблагич ускунаси олиб келиб бергандан кейин, унга 2.000.000 сўм бериб ЭХУни олиб кетганлигини, ҳақиқатдан ундан 1.200.000 сўм қарз эканлигини, Қ.Қга жами 4.000.000 сўм берганлигини, терговда нима сабабдан 6.000.000 сўм деб кўрсатганини изоҳлайолмаслигини, Қ.Қ уни алдаш ёки ишонтириш йўли билан пуллари олмаганлигини баён қилди.

Судда иш ҳужжатлари тафтиш қилинганида, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Қ.Қни фуқаролар ўртасида ўтказилган юзалаштиришда улар фуқароларни алдаб, ишончига кириб, фирибгарлик жиноятини содир этганлигини тасдиқловчи кўрсатувлари аниқланмади.

Бундан ташқари, жиноят иши ҳужжатларида Қ.Қ фуқароларнинг пул ёки бошқа бирор мулкни ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқини қўлган кириш мақсада, уларни алдаб, ишончига кириб, фирибгарлик ҳаракатларини содир этганлигини тасдиқловчи бирорта ишончли далил



мавжуд эмас ва бундай далилларни суд тергови давомида аниқлашнинг имкони бўлмади.

Шунингдек, шахснинг ҳаракатларини хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганликда квалификация қилиш учун у мансабдор шахс бўлиши ва ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ва ишончни суиистеъмом қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириши талаб этилади.

Мазкур ҳукмда баён этилган ҳолат содир этилган вақтда Қ.Қ Дўстлик туман электр таъминоти тезкор диспетчерлик гуруҳи диспетчер вазифасида, яъни мансабдорлик билан боғлиқ бўлмаган вазифада ишлаганлиги, шунингдек, унинг ҳаракатларида фирибгарлик жиноятлари содир этганлиги тасдиқланмаганлиги сабабли, суд тергов органи томонидан қўйилган ушбу айбловни ҳам асоссиз деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Қ.Қнинг зиммасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” бандлари билан қўйилган айбловни чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 26-банди 2-хатбошисида, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган Жиноят кодексининг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунга кўра, суд судланувчи Қ.Қнинг зиммасидаги айбловдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “в” бандини чиқариш борасидаги ўз хулосаларини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён этганлигини етарли деб ҳисоблаб, бу ҳақида ҳукмнинг қарор қисмида такроран қайд этишни лозим эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида эса Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши



кераклиги, шунингдек 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54, 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, судланувчи Қ.Қга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда айбига қисман иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят иши натижасида моддий зарар етказилмаганлигини, муқаддам судланмаганини, ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ҳукм қонуний кучга киргач танланган гаров эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва гаров тариқасида қўйилган 8.250.000 сўм пулларни гаровга қўювчи Қ.Қга қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 45-бандида Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги, бундай жазони тайинлаш пайтида ҳукмнинг қарор қисмида судланувчи шуғулланиши мумкин бўлмаган мансаб характери ёки фаолият тури аниқ кўрсатилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабидан келиб чиқиб, Қ.Қни Дўстлик туман электр таъминоти тезкор диспетчерлик гуруҳи диспетчер вазифасида ишлаб келиб, эгаллаган вазифаси билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан барча турдаги моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашёвий ва ёзма далил сифатида эътироф этилган №04/018194-рақамли “Наряд” маълумотномасини жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдиришни лозим топди.

Шунингдек, манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Қ.Қ.Б (Q.Q.B) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 1 (бир) йил барча турдаги мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Қ.Қга нисбатан тайинланган асосий ва қўшимча жазолар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижро этирилсин.

Х.Ахмановга нисбатан тайинланган барча турдаги мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлаш Дўстлик туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Қ.Қга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров тариқасида Жиззах вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига қўйилган 8.250.000 сўм пуллар Қ.Қга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий ва ёзма далил сифатида эътироф этилган №04/018194-рақамли “Наряд” маълумотномаси жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдирилсин.

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Жиззах вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Л.Қодирқулов

